



THE EMERGENCE OF ARAB NATIONALISM AND THE BAATH PARTY IN THE 20TH CENTURY

Khabubllokhon Yakubovich Azimov

senior lecturer, Ph.D

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Nationalism, Baath Party, French Revolution, Arab socialism.

Received: 28. 04. 24

Accepted: 30. 04. 24

Published: 02. 05. 24

Abstract: It is known that at the beginning of the twentieth century, serious efforts for political and cultural unification began in the Arab world. Most of the newly formed states viewed national and religious affiliation as a unifying factor in Arab unity. Thinkers such as Najib Azuri, Selim Navel, Mikhail Shuhadeh, Muhammad Abdu, Rashid Reza, Sati al-Husri, Michel Aflaq, Salahiddin al-Bitar and Akrom Haorani were considered proponents of Arab nationalism. This article analyzes the socio-political reasons for the emergence of Arab nationalism.

XX АСРДА АРАБ МИЛЛИЯТЧИЛИГИНИНГ ЮЗАГА ЧИҚИШИ ВА БААС ПАРТИЯСИ

Ҳабубллохон Якубович Азимов

катта ўқитувчи, Ph.D

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Миллиятчилик, Баас партияси, “Француз инқилоби”, араб социализми.

Аннотация: Маълумки, XX аср бошида араб дунёсида сиёсий ва маданий жиҳатдан бирлашиш учун жиддий ҳаракатлар бошланган эди. Янги ташкил топган аксар давлатлар миллий ва диний мансубликни араб бирлигини бирлаштирувчи омил сифатида кўрди. Нажиб Азури, Селим Навел, Михаил Шухаде, Муҳаммад Абдух, Рашид Ризо, Сати ал-Хусрий, Мишель Афлак, Салаҳиддин ал-Битар ва Акром Хауроний

каби мутафаккирлар араб миллиятчилиги тарафдорлари ҳисобланган. Ушбу мақолада араб миллиятчилиги юзага чиқишининг ижтимоий-сиёсий сабаблари таҳлил қилинган.

ВОЗНИКНОВЕНИЕ АРАБСКОГО НАЦИОНАЛИЗМА И ПАРТИИ БААС В XX ВЕКЕ

Хабубллохан Якубович Азимов

старший преподаватель, PhD

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Национализм, партия Баас, «Французская революция», арабский социализм.

Аннотация: Известно, что в начале XX века в арабском мире начались серьезные усилия по политическому и культурному объединению. Большинство вновь образованных государств рассматривали национальную и религиозную принадлежность как объединяющий фактор арабского единства. Такие мыслители, как Наджиб Азури, Селим Навел, Михаил Шухаде, Мухаммад Абду, Рашид Реза, Сати аль-Хусри, Мишель Афлак, Салахиддин аль-Битар и Акром Хаорани считались сторонниками арабского национализма. В данной статье анализируются социально-политические причины возникновения арабского национализма.

КИРИШ

Барча мамлакатларда миллиятчи гуруҳларнинг ҳар хил турлари мавжуд. Бу гуруҳларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари бор. Ушбу хусусиятлар атрофида ҳар бир гуруҳнинг миллиятчилик таърифи бир-бирига ўхшамайди. Миллиятчилик ҳаракати юзага чиқишига назар ташласак, у Ғарбий Европа минтақасида юзага чиққан ҳисобланади. 1789 йилда Францияда содир бўлган “Француз инқилоб” натижасида миллиятчилик ғоялари остида миллий давлат тушунчаси пайдо бўлди. Огюстен де Баррюэль фикрича суверенитет, тенглик, эркинлик, бирдамлик каби масалалар бу инқилобга йўл очган, натижада чекланмаган монарх ҳокимияти миллат ва халқ иродасига алмашувига сабаб бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб миллиятчилигига тарих нуқтаи назардан қарасак, унинг илдизлари Муовия асос солган Умавийлар давлатига бориб тақалади. Америкалик шарқшунос Б. Льюис

фикрича Муовия бошчилигида Умавийлар давлати исломий шаклдан араб миллиятчилигига таянган араб монархиясига ўзгариб борган. Тарихан маълумки, Уммавийлар даврида диний мансубликдан кўра, этник мансубликка қаратилган сиёсат олиб борилган. Мамлакатнинг араб бўлмаган мусулмон аҳолиси “маволий” деб аталган ва улар давлат бошқаруви ва сиёсий ҳаётидан узоқ тутилган. Буни араб дунёсидаги илк миллиятчилик ҳаракати сифатида ҳисоблаш мумкин.

XX асрнинг бошларида Яқин Шарқ кириб кела бошлади. Усманийлар давлатининг заифлашиши натижасида унинг таъсири остидаги ҳудудларда озодлик ҳаракатлари кучайиб борди. Араб дунёсида бошланган миллиятчилик ҳаракати маданий ва сиёсий нуқтаи назарда аҳамиятли ҳисобланади. Ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган маданий уйғонишдан араблар кўзлаган асосий мақсадлар, араб маданияти ва тилини модернизация қилиш эди. Бу христиан араблар орасида кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик маданий миллиятчилик сиёсий миллиятчиликни юзага чиқарди. Араб маданий миллиятчилиги ҳақида фикр юритганда Нажиб Азури, Селим Навел, Михаил Шухаде, Муҳаммад Абдух, Рашид Ризо ва Тоҳа Хусайинларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўша даврдаги христиан араб зиёлилари араб миллиятчилиги учун этник мансублик муҳим эканлигига Урғу бериб, айнан араб бирлигини арабчилик остида шакллантиришни илмий асослашга ҳаракат қилишган. Уларнинг фикрича, арабларнинг ҳаммаси ҳам мусулмон эмас. Улар барча араблар Усмонлилардан сиёсий жиҳатдан ажралиб, мустақил давлат барпо этишлари лозимлигини тарғиб қилдилар. Суриялик Нажиб Азури Усмонлилардан ажралиб, мустақил араб давлатини барпо этиш тарафдори бўлган биринчи шахсдир. Нажиб Азури ирқчи ва христиан араб эди. Жумладан Азури Мисрни араб давлати чегаралари ичида бўлмаслиги кераклигини таъкидлаб, мисрликларни араб миллатига мансуб эмаслигини ва уларнинг исломлашишидан олдин Африкадаги барбарлардан келиб чиққани тиллари араб тилига ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини таъкидлаган.

Нажиб Азурининг фикрича тузилиши керак бўлган араб давлати дунёвий, либерал сиёсат амалга оширадиган, конституцияга эга монарх томонидан бошқариладиган давлат бўлиш керак эди. Яна бир араб мутафаккири Иброҳим ал-Язижи бўлиб, у ҳам христиан араблардан эди. Унинг араб сиёсий миллиятчилиги ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга молик ҳисобланади. Унинг фикрича, арабларнинг аввалги даврлардагидек кучли ва улуғвор бўлишининг ягона йўли ўз ичидаги айирмачи қарашлардан қутилиш эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. Шу сабабдан Усмонлилар ҳудудида яшовчи арабларни Усмонлиларга қарши кўзғолон кўтаришга даъват қилган эди. Яна бир араб мутафаккири

Сати ал-Хусрий араб дунёсида бевосита сиёсий миллиятчиликни шакллантирган исмлардан бирidir. Сати ал-Хусрийнинг сийсиф ва фалсафий қарашлари 20-асрда пайдо бўлган араб миллиятчи партиялари дастурларидан жой олган. Сати ал-Хусрий араб бирлигини араб тили воситасида ташкил этиш мумкин деб қараган. Унинг фикрича, давлат байроқлар ҳар хил бўлиши мумкин бўлса-да, араб тилида сўзлашадиган барча мамлакатлар сиёсий чегараларидан қати назар араб эканлигига аҳамият қаратган. Сати ал-Хусрий мусулмон атамасини ишлатишдан кўра унинг ўрнига араб сўзини ишлатишни маъқул кўрган. Унинг фикрича, диндан араблар орасида ўзликни аниқлаш воситаси сифатида фойдаланиш араб миллатининг узок илдизларига олиб бормади, деб ҳисоблайди. Сати ал-Хусрий араб давлатлари ўртасидаги чегаралар ҳақида фикр юритиб, бу чегаралар минтақа давлатларнинг хоҳиши билан яратилмагани, балки чегараларнинг яратилиши империалистик кучлар хоҳиш-истаги натижаси эканлигига урғу берган. Унинг фикрича араб давлатлари ўртасида тортилган чегара ташқи кучларнинг геосиёсий манфаатларини кўзлаб амалга оширилган ва бу араб бирлигига ҳамда араб миллиятчилигига болта уришга қаратилган ҳаракат ҳисобланади. Маълумки, XX асрнинг 40-50 йилларида араб давлатларида қайтадан маданий ва сиёсий уйғониш бошланди. Мишель Афлақ, Салаҳиддин ал-Битар, Ақром Хауронийлар бу ҳаракатнинг етакчилари эди. Мишель Афлақ Сурияда христиан араб оиласида дунёга келган бўлиб, у Францияда таҳсил олиб қайтгач, 1940 йиллар бошларида сиёсий партия ташкил этди. У Салаҳиддин ал-Битар билан биргаликда Яқин Шарқ минтақасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ўзгартиб юборган Баас араб социалистик партиясига асос солишади. Баас партияси Сурияда 1943 йилда ташкил этилди. Бу партия Мисрдаги Носирчиликдан кейин араб миллиятчилиги нуқтаи назаридан энг таъсирчан партияга айланди. Кейинчалик Баас партияси вакиллари Яқин Шарқдаги Сурия ва Ироқ давлатларида ҳокимиятни эгаллашди. Партия араб дунёсида бирлик, эркинлик ва социализмни олиб киришни мақсад қилган эди. Дарҳақиқат, араб социализми аниқ назариясига эга эмаслиги сабабли илмий таҳлил қилиш қийинчилик туғдиради. Юқорида номи тилга олинган Мишель Афлақ, Салаҳиддин ал-Битар, Ақром Хауроний ва Закий Нажиб Арсузилар араб социализмининг назориятчилари ва улар томонидан таклиф этилган фикр ва тамойиллар аҳамиятли ҳисобланиб келган.

Мишель Афлақ араб халқининг бирлиги масаласига эътибор қаратиб, араблар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирлашиши замон талаби эканлиги, ҳеч қайси араб давлати бошқалардан алоҳида яшай олмаслигини таъкидлайди. Афлаққа кўра, социализм

арабларни ҳам бирлаштирувчи омил ҳам тарихий шухратини тиклашдаги ягона мафкурадир.

Яна бир баасчи Салаҳиддин ал-Битар бирлик социализмга эришиш учун зарур эканлигини таъкидлайди. Битарнинг фикрича, араб давлатлари бирлашмай туриб, реал ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эриша олмайди ва сиёсий ҳамда мафкуравий жиҳатдан бирлашишнинг имкони йўқ. Кўришиб тўрибдики, Баас партияси мафкураси араб дунёсини билаштиришда этник мансубликни бирламчи унсур сифатида кўриб келган. Баас ўз сиёсий дастурларида "Катта Сурия", яъни Сурия, Ироқ, Фаластин ва Иордания ҳудудларида ягона давлат тузиш ҳақида тарғибот олиб борган. Баас партияси мафкурасига назар ташлайдиган бўлсак, партиянинг бошида турган энг таъсирли исмлар Мишель Афлак ва Салаҳиддин ал-Битарнинг фикрлари билан шакллангани кўринади. Бошқа томондан, бу мафкурага ҳисса қўшган зиёлилар ҳам бор, лекин уларнинг сони жуда оз. Баас партияси мандат даврида пайдо бўлган араб бирлиги ва социализм ғояларига асосланади. Бошқа томондан, XIX аср араб мутафаккирлари сингари, Баас партиясининг асосчилари ҳам Ғарбда таълим олган араб зиёлилари эди. Баас мафкурасини шакллантирган тушунчалар миллиятчилик, эркинлик ва социализм каби элементлардан иборат эди. Бу тушунчаларга янги маънолар қўшилган бўлса-да, улар моҳиятан Ғарб тафаккурининг маҳсули эди.

Мишель Афлакнинг фикрича, араби миллиятчилиги остида бирлашган араб давлатини ташкил этиш, миллий бирликка путур етказиши мумкин деб, ҳисобланадиган эскилик унсурларидан кутилиш, мустамлакачиликнинг барча турларига қарши туриш ва иқтисодий фаровонликка олиб чиқиш партиянинг асосий шиори эди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 20 йилларида юзага чиққан араб миллиятчилиги минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзгартириб юборди. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги араб давлатларини бирлаштириш учун бир қанча унсурлар мавжуд бўлсада, улар ўртасида мавжуд бўлган сиёсий, ҳудудий ва бошқа муаммолар сабаб кутилган араб бирлигини яратишнинг имкони бўлмасдан келмоқда. Уларни юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тил, этник мансублик ва дин омили бирлаштирувчи восита сифатида қаралсада, сиёсий бошқарувнинг турли хиллиги, манфаатлар фарқлилиги ва глобал “куч марказлари” таъсири каби омиллар араб миллиятчилини бир том остида ягона ҳамда яқдил сиёсий бирлик бўлишига тўсиқ сифатида кўриш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Barruel, A. (1873). *Memorias para servir a la historia del jacobinismo* (Vol. 2). Imprenta de Luis Barjau y Codina.
2. Lewis, B. (2002). *Arabs in history*. OUP Oxford.
3. Мавалийлар учун қаранг. <https://dergipark.org.tr/en/pub/auifd/issue/71637/1153141>
4. DAWISHA, A. (2003), Requiem for Arab Nationalism, *Middle East Quarterly*, Vol.10, No.1, pp. 25-41.
5. Aldoughli, R. (2016). Revisiting ideological borrowings in Syrian nationalist narratives: Sati 'al-Husri, Michel 'Aflaq and Zaki al-Arsuzi. *Syria studies*, 8(1), 7-39.
6. PERTHES, V. (1992), The Syrian Private Industrial and Commercial Sectors and the State, *International Journal of Middle Eastern Studies*, Vol.24, No.2, s. 207-230.
7. AL-BÎTAR, S. ed-Din (1974), The Implications of the October War for the Arab World, *Journal of Paletsine Studies*, Vol.3, No.2, s.34-45.
8. EL-HUSRI, S. (1998), Arap Milliyetçiliği Üzerine: Arapçılık Nedir?, Jean Leca, *Uluslar ve Milliyetçilikler*, çev. S.Derman, İstanbul, Metis Yayınları, s.148-150.
9. GÜLER, Z. (2004), Süveyş'in Batısında Arap Milliyetçiliği: Mısır ve Nasırcılık, İstanbul:
10. Said, E. W. (2014). Orientalism reconsidered. In *Postcolonial criticism* (pp. 126-144). Routledge.
11. SHARABÎ, H. (1966), *Nationalism and Revolution in the Arab World*, Princeton: D.Van Nostrad Company. Inc.
12. Mamadjonov, A. B. (2023). ANALYSIS OF THEORETICAL AND PRACTICAL APPROACHES TO THE CONCEPT OF" SOFT POWER". *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(03), 272-279.
13. Mamadjonov, A. B. O. G. L. (2021). TURKIYANING XALQARO TASHKILOTLARDAGI O 'RNI VA ROLI: NATO MISOLIDA. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 427-435.
14. Azimov, H. Y. (2022, June). THE ROLE OF THE SYRIAN CRISIS IN ENSURING SECURITY IN THE MIDDLE EAST. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 90-92).
15. Yakubovich, A. H. (2019). The emergence of the Syrian crisis and the impact of the external forces on it. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (4 (6)), 92-97.
16. Azimov, H. Y. (2022). Main directions of modern international security approaches. *International journal of social science research and review*, 5(2), 151-157.
17. Boronov, S. (2022). Internal and external factors of taliban origin. *Journal of Social Research in Uzbekistan*, 2(02), 15-23.